# 42 та хонадон тоза ичимлик суви билан таминланишига эришилади

Данғара туманининг энг олис худуди бўлмиш 1-секторда жойлашган Абдусамад МФЙ  Шодлик кўчаси ахолисининг туман ҳокимига қилган мурожаатлари ижобий ҳал этилди.
Махаллий бюджет хисобидан ажратилган маблағ эвазига Данғара туман сувтаъминот бўлими ходимлари томонидан  Шодлик кўчасига 1200 метр  масофадан сув тармоғи тортиб олиб келинди. Бунинг натижасида  42 та  хонадон тоза ичимлик суви билан таминланишига эришилади.
Туманга ташриф буюрган Республика ишчи гурухи  вакиллари сув тармоғини тортиш жараёни билан танишиб  ўтди.




UZSUVTAMINOT





2022-01-10 08:58:25